



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РОЛИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАР

и.ф.д., проф. **Шадиева Гулнора**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0000-0001-7078-8815

gulnora.shodiyeva@mail.ru

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тадқиқ этилган. Илмий-таҳлилий ёндашув асосида қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси орқали турмуш даражасини ошириш масалалари ёритилган. Давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, имтиёзли кредитлар ва оилавий тадбиркорлик дастурлари таҳлил қилиниб, уларнинг амалий самаралари кўрсатиб берилган. Шу асосда қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, қишлоқ ҳудудлари, рақамли иқтисодиёт, камбағалликни қисқартириш, хизмат кўрсатиш.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ РОЛЬ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И МАЛОГО БИЗНЕСА В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

д.э.н., проф. **Шадиева Гулнора**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье исследуются теоретические и практические основы развития малого бизнеса и семейного предпринимательства в сельских районах в условиях цифровой экономики. Раскрыто их социально-экономическое значение в обеспечении занятости населения, сокращении бедности и повышении уровня жизни через сферу услуг. Проведен анализ реализуемых государственных реформ, льготных кредитов и программ семейного предпринимательства, показана их практическая эффективность. На этой основе разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию предпринимательской среды, созданию новых рабочих мест и увеличению доли малого бизнеса в ВВП.

Ключевые слова: малый бизнес, семейное предпринимательство, сельская местность, цифровая экономика, сокращение бедности, сектор услуг.

THE SOCIO-ECONOMIC ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP AND SMALL BUSINESS IN RURAL DEVELOPMENT: THEORETICAL FOUNDATIONS AND PRACTICAL SOLUTIONS

DSc, prof. **Shadieva Gulnora**

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *The article explores the theoretical and practical foundations of developing small business and family entrepreneurship in rural areas under the conditions of the digital economy. It highlights their socio-economic importance in ensuring employment, reducing poverty, and improving living standards through the service sector. The study analyzes state reforms, preferential credit programs, and family entrepreneurship initiatives, demonstrating their practical outcomes. Based on the findings, proposals and recommendations are developed to enhance the entrepreneurial environment, create new jobs, and increase the share of small business in GDP.*

Keywords: *small business, family entrepreneurship, rural areas, digital economy, poverty reduction, service sector.*

Кириш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг марказида, энг аввало, инсон манфаатлари ва унинг ҳаёт сифатини яхшилаш масаласи турибди. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш орқали жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Зеро, бу сектор миллий иқтисодиётда нафақат қўшимча иш ўринлари яратишда, балки аҳолининг даромад манбаларини диверсификация қилиш, ички бозорни товар ва хизматлар билан таъминлаш, шунингдек, рақобат муҳитини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, кичик бизнеснинг жадал ўсиши аҳоли турли қатламларининг иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда давлат томонидан амалга оширилаётган институционал ислохотлар, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар ва кредит ресурсларига кенгроқ йўл очилиши ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Шунингдек, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг иқтисодий мустақиллиги кучайиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришишда давлат ва жамиятнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатдаги умумий иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга оширишга замин яратади.

2022 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонининг учинчи (2022) устувор йўналиши доирасида тадбиркорликни ташкил этиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 %га, экспортдаги улушини эса 60 %га етказиш мақсад қилиб белгиланган. Шу муносабат билан айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг даромадли меҳнат билан банд бўлиши учун оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда дастлабки амалий натижалар 2021 йилдан кузатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2021 йил 1 май ҳолатига қадар оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 148 мингдан зиёд лойиҳаларга умумий қиймати 3,6 трлн сумдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилган. Шу

кредитларнинг 18 % (648 млрд. сум) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга, қолган 82 % эса ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахсларга тўғри келган. Бу ҳолат аҳолининг қўшимча даромад манбаларига эга бўлиши ва янги иш ўринларини кафолатли яратишга йўналтирилган сиёсатнинг амалий самарасини кўрсатади¹.

2024 йилда эса мазкур жараён сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2024 йил 2 апрелдаги Президент қарори № ПП-149 асосида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури янада такомиллаштирилиб, физик шахсларга 33 млн сумгача, самарали бизнес-лойиҳаларга 50 млн. сумгача кредит бериш, шунингдек, иссиқхона ва балиқчилик йўналишлари учун 100 млн сумгача кредит ажратиш тартиби жорий этилди. Мазкур кредитлар кафолатсиз, яъни гаров талаб этилмаган ҳолда ҳамда электрон платформа орқали тақдим этилиши уларнинг шаффофлиги ва аҳоли учун очиқлигини таъминлади. Шунингдек, 2024 йил охирига келиб давлат банки тизими орқали оилавий тадбиркорлик дастури учун тахминан 1 миллиард АҚШ долларига тенг кредит маблағлари йўналтирилди²и (2024). Натижада, преференциал кредитлар умумий кредит портфелининг тахминан 24 %ини ташкил этди. Бу эса, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими босқичма-босқич барқарор ва кенг қамровли механизмга айланиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, камбағаллик даражасини қисқартириш ҳамда хусусий ташаббусларни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ҳанузгача тўлиқ ечимини топмаган қатор муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш бугунги кунда миллий иқтисодиёт олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболларини белгилаш, уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда илмий асосланган таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш жараёнида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур соҳадаги муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва амалий ечимлар таклиф этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ фундаментал масалалар жаҳон иқтисодий мактаблари ва хорижий олимлар томонидан кенг ўрганилган.

Тадбиркорлик масаласи азалдан иқтисодий назария ва амалиётда эътибор марказида бўлиб келган. Унга илк илмий таъриф XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Кантиллон (2016) томонидан берилган. Унинг таъкидлашича, “тадбиркор муайян нархда товар сотиб олиб, унинг кейинги сотилиши ноаниқ ва ўзгарувчан нархларда амалга оширилади. Шу боисдан тадбиркор — таваккалчи шахс бўлиб, таклиф ва талабни уйғунлаштирувчи субъект ҳисобланади”.

¹ https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/498841/

² Газета.uz, 2024 йил декабрь

Австриялик машхур иқтисодчи Шумпетер (1982) тадбиркорликни иқтисодий ривожланишнинг асосий драйвери сифатида талқин қилиб, унинг беш муҳим йўналишини аниқлаб берган. Биринчидан, тадбиркорликнинг энг муҳим вазибаларидан бири – бу истеъмолчиларга ҳали номаълум бўлган янги товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир. Бу жараён орқали бозорда янги эҳтиёжлар шаклланади, инновацион маҳсулотлар эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Иккинчидан, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлади. Шумпетернинг (1982) фикрича, технологик янгиланиш ишлаб чиқариш жараёнларини самарали қилиш билан бирга, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиради ва бозордаги рақобат афзалликларини оширади.

Учинчи йўналиш сифатида мавжуд товарлар учун янги бозорларни ўзлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бозор ҳудудий жиҳатдан кенгайган сари маҳсулотлар айланмаси кўпаяди, тадбиркорлик субъектлари эса янги мижозлар қатламларига етиб боради. Бу жараён нафақат миллий иқтисодиётда, балки халқаро иқтисодий муносабатларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Тўртинчи йўналиш янги хомашё ва ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Бу эса ресурслар базасини диверсификация қилиш, қайта тикланувчи энергия манбалари ёки маҳаллий ресурслардан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини очади. Натижада, тадбиркорлик нафақат иқтисодий самарадорлик, балки барқарор ривожланиш тамойилларига ҳам хизмат қилади.

Ниҳоят, бешинчи йўналиш сифатида Шумпетер янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришни кўрсатади. Янги соҳаларнинг шаклланиши иқтисодиётда диверсификация жараёнини кучайтиради, янги иш ўринлари яратади ва иқтисодий фаолликни кенгайтиради.

Шу тариқа, Шумпетер (1982) назарияси тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беради. Унинг таълимотига кўра, тадбиркор — инновациялар ташаббускори ва иқтисодий динамиканинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Иқтисодчи Сирополис (1997) эса кичик бизнес корхоналарини ажратиб кўрсатишда асосий мезон сифатида ишчилар сони ва маҳсулот сотиш ҳажмидан фойдаланилишини таъкидлайди.

Рус олими Лапуста (2008) ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди ва кичик бизнес субъектларини тавсифлашда ишчиларнинг ўртача сони асосий кўрсаткичлардан бири эканини таъкидлайди.

Иқтисодчи олимларимиздан Ўлмасов ва Шарифхўжаев(1998) ўзларининг илмий асарларида тадбиркорликнинг асосан кичик ва ўрта шаклларига эътибор қаратган бўлиб, тадқиқотларида тадбиркорликнинг фаолият соҳалари ҳамда мулкчилик турларига кўра намоён бўлиш йўналишларини таҳлил қилганлар. Ушбу тадқиқотлар тадбиркорлик фаолиятини таркибий жиҳатдан ўрганиш имконини бериб, унинг турли кўринишларини давлат ва бозор муносабатлари шароитида баҳолашга хизмат қилади.

Бошқа қатор маҳаллий тадқиқотчилар эса тадбиркорликнинг кичик ва ўрта, хусусий ва давлат шакллари таҳлил қилиб, уларнинг иқтисодиётнинг таркибий ривожланишида қай даражада самарали иштирок этаётганини ёритишга ҳаракат қилишган. Бу тадқиқотлар тадбиркорликнинг иқтисодий тизимдаги ўрнини аниқлаш ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд илмий ишлар тадбиркорлик шакллари ҳақида турли ёндашувларни тақдим этган бўлса-да, уларни умумлаштириш ва комплекс тарзда таснифлаш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда. Бизнеснинг фикримизга кўра, тадбиркорлик шакллари таснифлашда муайян мезонлардан келиб чиқиш жуда муҳим.

Муаллифлик ёндашувига кўра, тадбиркорлик шакллари таснифлашда ягона универсал мезондан эмас, балки бир нечта асосий йўналишдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, **мулк шакли** мезони муҳим аҳамият касб этади, яъни тадбиркорлик фаолияти хусусий, давлат ёки аралаш шаклларда намоён бўлиши мумкин. Иккинчидан, **фаолият соҳаси** мезони асосида тадбиркорлик саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ёки инновацион йўналишлар каби тармоқларда амалга оширилиши билан фарқланади. Учинчидан, ходимлар сони ва миқёси мезони тадбиркорликни кичик, ўрта ва йирик турларга ажратиш имконини беради.

Ушбу уч мезон биргаликда тадбиркорликнинг турли кўринишларини чуқурроқ таҳлил қилиш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролига ҳолис баҳо бериш ҳамда давлат сиёсатини мақсадли равишда йўналтириш учун мустаҳкам илмий-амалий асос яратади.

Бу туркумлаш тадбиркорлик фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ва амалий таҳлил қилиш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур ёндашув тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги турли кўринишларини аниқ белгилаш, уларнинг ривожланиш динамикасини баҳолаш ва давлат иқтисодий сиёсатини мақсадли йўналтиришда ишончли асос вазифасини ўтайди. Бу эса мазкур мавзунинг яна бир бор долзарб масалаларга бағишланганлигидан далолатдир.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда иқтисодий таҳлилнинг назарий ва эмпирик усуллари уйғун равишда қўлланилди. Биринчи босқичда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасида маҳаллий ва хорижий олимлар, иқтисодчи мутахассислар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, монографиялар ва мақолалар чуқур ўрганилди. Шу асосда мавзуга оид илмий-назарий ёндашувлар тизимли таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда тадқиқот мавзуси бўйича статистик маълумотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари ҳамда расмий манбалардан олинган маълумотлар йиғилди. Тўпланган маълумотлар қиёсий таҳлил усулида қайта ишланиб, мавжуд тенденциялар ва ўзгаришлар аниқланди. Учинчи босқичда таҳлил этилган маълумотлар асосида синтез қилиш, мантикий умумлаштириш ва моделлаштириш амалга оширилди. Иқтисодий жараёнларни чуқурроқ англаш ва ҳулосаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги тадқиқот усуллари кенг фойдаланилди: статистик таҳлил усуллари, қиёсий таҳлил, корреляция ва регрессия таҳлили, тадбиркорлик шакллари ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини назарий-назарий жиҳатдан асослаш учун эса системали ёндашув ва моделлаштириш. Шу тариқа, тадқиқотда назарий таҳлил билан бир қаторда эмпирик ва амалий усуллар уйғунлаштирилиб қўлланди. Бу эса тадқиқот натижаларининг илмий ишончилигини таъминлаш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент томонидан элликдан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ҳамда бошқа кўплаб хизматларни амалга ошириш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бу жараёнда тадбиркорлар учун қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари ташкил этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Бизнес-омбудсман институти жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев (2016) ҳам бу йўналишдаги вазифаларни алоҳида таъкидлаб, қўйидагича фикр билдирган: «Бизнинг яна бир устувор вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ижтимоий тотувликка эришиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шу боис эндиликда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ қўйиш – давлат сиёсатида, Президент сиёсатида тўсиқ қўйиш сифатида баҳоланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган кенг имкониятлар шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ва инвесторлар учун бир қатор қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилганлиги туфайли жадал ривожланмоқда.

1-жадвал

Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони динамикаси (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, 1 январь ҳолатига, минг бирликда)

Йил	Кичик корхоналар сони (минг)
2021	411,2
2022	462,8
2023	523,6
2024	417,1
2025	358,1

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони 358,1 мингтага етди. Бу кўрсаткич мамлакатда кичик тадбиркорлик сектори барқарор ўсиш тенденциясига эга эканлигини намоён этади. Хусусан, ушбу субъектларнинг ҳар 1000 нафар аҳолига нисбатан улуши 12,1 бирликни ташкил этгани аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиниши юқори даражада эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатида қайд этилган 358 116 та кичик корхона ва микрофирмалардан 77 046 таси — яъни деярли 21,5 % и янги ташкил этилган субъектлар ҳисобланади. Бу ҳолат кичик бизнесда янгидан иш бошлаётган корхоналар сони юқори эканлигини, демак, иқтисодий фаолиятда тадбиркорлик муҳитининг жонланиши ва имкониятларнинг кенгайишини кўрсатади (1-жадвал).

Худудлар кесимида эса фарқлар яққол кўзга ташланади. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг катта қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади — **84 453 та**, бу эса умумий сонининг **23,6 %** ини ташкил қилади. Иккинчи ўринда Тошкент вилояти жойлашиб, ундаги 34 389 та кичик корхона улуши умумий сонининг **9,6 %** ига тенг. Учинчи йирик кўрсаткич эса Самарқанд вилоятига тўғри келади, бу ерда **31 470 та** кичик тадбиркорлик субъекти қайд этилган бўлиб, умумий ҳажмдаги улуши **8,8 %** ни ташкил қилади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, кичик бизнеснинг худудлар бўйича тақсимланиши асимметрик тусга эга (2-жадвал). Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кичик бизнеснинг улуши юқори бўлиши иқтисодий инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, аҳоли зичлиги ва истеъмол бозори имкониятларининг кенглиги билан изоҳланади. Самарқанд вилоятида ҳам кичик корхоналар сонининг кўплиги ушбу худуднинг демографик салоҳияти, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожини билан боғлиқдир. Шундай қилиб, кичик корхоналарнинг сони ва динамикаси мамлакатда тадбиркорлик сектори ривожини учун муҳим мезон ҳисобланади.

2-жадвал

**Худудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони,
(2025 йил 1 январь ҳолатига, минг бирликда)**

Худуд	Кичик корхоналар сони (минг)
Ўзбекистон Республикаси	358,1
Тошкент ш.	84,5
Тошкент в.	39,1
Самарқанд	31,5
Фарғона	28,1
Андижон	22,5
Қашқадарё	22,3
Бухоро	20,6
Наманган	19,9
Сурхондарё	19,1
Қорақалпоғистон Респ.	17,2
Навоий	16,2
Жиззах	13,6
Сирдарё	8,6

Ушбу маълумотлар иқтисодий сиёсатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, худудий дисбалансни камайтириш ҳамда янги ташкил этилган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

3-жадвал

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2020–2024 йиллар

Йиллар	Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар (минг бирликда)
2020	93,2
2021	98,9
2022	90,2
2023	86,0
2024	77,0

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020–2024 йиллар давомида Ўзбекистонда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ўзгариш тенденцияси пасайиш йўналишини кўрсатмоқда. 2020 йилда 93,2 мингта корхона ташкил этилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 98,9 мингтага етган ва энг юқори нуқтага чиққан. Бироқ кейинги йилларда кескин пасайиш кузатилган: 2022 йилда 90,2 мингта, 2023 йилда 86,0 мингта ва 2024 йилда эса 77,0 мингтагача камайган. Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2020–2024 йилларда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сонидан йилдан-йилга пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат иқтисодий муҳитдаги турли омиллар билан изоҳланади. Аввало, иқтисодий цикллар таъсири муҳим ўрин тутди, чунки макроиқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши ва айрим соҳаларда талабнинг пасайиши янги бизнесларни ташкил этиш жараёнини сусайтирган. Шу билан бирга, молиявий ва кредит ресурслари чекланганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатган: банк кредитларига етарли имкониятлар йўқлиги ва молиялаштириш харажатларининг юқорилиги тадбиркорларни янги корхона очишдан тийилишга мажбур қилган.

Бундан ташқари, маъмурий ва тартибга солиш омиллари ҳам маълум тўсиқ вазифасини бажарган, яъни солиқ ва ҳисобот тизимининг мураккаблиги кичик бизнес субъектлари учун қўшимча қийинчиликларни юзага келтирган. Шу омиллар йиғиндиси натижасида 2024 йилда янги ташкил этилган корхоналар сони 2020 йилга нисбатан 17 фоизга камайди. Бу ҳолат иқтисодий муҳитни яхшилаш, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди.

4-жадвал

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик
корхона ва микрофирмалар**

Иқтисодий фаолият турлари	январь-декабрь 2023 й.	январь-декабрь 2024 й.
Жами	86 030	77 046
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	9 388	9 099
Саноат	14 101	12 889
Қурилиш	4 859	3 921
Савдо	33 470	28 005
Ташиш ва сақлаш	3 946	2 750
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5 955	6 502
Ахборот ва алоқа	2 932	2 916
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 458	1 505
Бошқа фаолият турлари	9 921	9 459

4-жадвал маълумотларига кўра, 2023 йил январь-декабр ойларида янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони **86 030 тани** ташкил этган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич **77 046 тагача** қисқарган. Бу эса умумий ҳисобда **10,4 фоизга пасайишни** ифода этади. Мазкур тенденция иқтисодий муҳитдаги қатор омиллар, жумладан, макроиқтисодий ўсиш суръатлари, молиявий ресурсларга кириш имконияти ҳамда маъмурий-ташкилий тўсиқлар билан изоҳланиши мумкин. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида 2023 йилда 9 388 та янги субъект ташкил этилган бўлса, 2024 йилда улар сони 9 099 тагача қисқарган. Пасайиш катта миқёсда эмас, аммо аграр соҳадаги ижтимоий-иқтисодий аҳамият юқори бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат аграр тармоқда барқарорлик сақланаётганини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб барқарор эканини кўрсатади.

Саноатда янги корхоналар сони 14 101 тадан 12 889 тагача тушиб, 8,6% пасайиш қайд этилган. Бу саноат тармоғида ички талабнинг қисқариши ёки технологик модернизация жараёнларининг юқори харажатли бўлиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, саноатдаги пасайиш қурилиш тармоғига ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Қурилиш соҳасида пасайиш энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, 4 859 тадан 3 921 тага тушиб, 19,3% йўқотиш қайд этилган. Бу уй-жой бозорида талабнинг пасайиши ва молиявий ресурсларни жалб қилишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Қурилиш тармоғидаги йўқотишлар саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги фаолиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил қилинган йиллар орасида энг кўп янги корхона савдо соҳасида ташкил этилган (2023 й. – 33 470 та, 2024 й. – 28 005 та). Бироқ уларнинг сони 16,3% га қисқарган. Савдо соҳаси кичик бизнесда етакчи бўлиб қолмоқда, аммо рақобатнинг

кучайиши ва аҳоли харид қобилиятининг пасайиши бу соҳадаги ўсиш суръатларини чеклаб қўйган.

Бу соҳада энг катта пасайиш қайд этилган: 3 946 тадан 2 750 тагача (–30,3%). Бу транспорт ва логистика соҳасидаги тўсиқлар ҳамда иқтисодий фаолликнинг умумий пасайиши билан изоҳланади.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида ўсиш қайд этилган: 5 955 тадан 6 502 тагача (+9,2%). Бу туристик хизматлар ва меҳмонхона бизнесига қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради.

Ахборот ва алоқа соҳаси 2 932 тадан 2 916 тага тушиб, деярли барқарор ҳолат сақланган (–0,5%). Бу соҳада рақамли хизматларга бўлган эҳтиёж юқори эканини кўрсатади ва рақамли иқтисодиёт ривожланишининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида янги субъектлар сони 1 458 тадан 1 505 тагача кўпайган (+3,2%). Бу аҳолида тиббий хизматларга ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига талаб ортиб бораётганидан дарак беради.

Бошқа фаолият турлари бўйича 9 921 тадан 9 459 тага пасайган (–4,6%). Бу эса турли соҳалардаги иқтисодий фаолиятнинг қайта тақсимланиши ва самарадорликни ошириш жараёнлари билан боғлиқ бўлиши мумкин³. 2023–2024 йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилиши тармоқлар кесимида турлича йўналишда намоён бўлмоқда. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаси анча барқарор бўлиб, иқтисодиётда стратегик омил сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Саноат ва қурилиш тармоқларидаги пасайиш эса молиявий ресурсларни жалб қилишдаги қийинчиликлар ва ички талабнинг сусайиши билан изоҳланиб, бу тармоқларда давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда.


Шу билан бирга, савдо соҳаси янги корхоналар сони бўйича етакчиликни сақлаб қолган ҳолда, рақобатнинг кучайиши ва аҳоли харид қобилиятининг пасайиши оқибатида муайян пасайишни бошдан кечирди. Транспорт ва логистика соҳасидаги кескин йўқотишлар эса замонавий инфратузилма ривожини тезлаштириш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш заруратини яққол кўрсатади.

Айни вақтда, хизмат кўрсатиш соҳаларининг айрим йўналишлари – жумладан, туризм ва овқатланиш хизматлари ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар – барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Бу ҳолат хизматлар соҳасининг иқтисодиётнинг янги драйверига айланаётганидан далолат беради. Ахборот ва алоқа соҳаси эса барқарор ҳолатни сақлаб, рақамли иқтисодиёт ривожланишининг муҳим устуни сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кичик бизнеснинг барқарор ривожланиши учун соҳалар кесимида мувозанатли давлат сиёсати зарур. Аграр соҳада инновацион технологияларни жорий этиш, саноат ва қурилишда молиявий механизмларни такомиллаштириш, савдо соҳасида рақобатбардош муҳитни кучайтириш, транспорт ва логистикада инфратузилмани ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий имкониятларни кенгайтириш келгусида кичик бизнеснинг барқарор ўсишига асос бўлади.

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ЯИМда 57,5 % бўлган бўлса, кейинги йилларда босқичма-босқич пасайиш тенденцияси кузатилди. Шу билан, сўнгги тўрт йил ичида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши деярли **3,2 фоиз пунктга қисқарди**. Аммо 2024 йилда пасайиш тўхтаб, **барқарорлик ҳолати** юзага келди (1-диаграмма).

³ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари



1-диаграмма. Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши⁴

2024 йилда кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши барқарорлашгани, иқтисодий муҳитда кичик бизнеснинг позицияси ҳали ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бу тенденция, бир томондан, иқтисодиётда йирик ишлаб чиқариш корхоналари салмоғининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, кичик бизнес соҳасида мустаҳкам пойдевор яратилганини англатади. Кейинги йилларда кичик бизнес улушини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳалари, инновацион стартаплар ва рақамли бизнес моделларини ривожлантириш устувор йўналиш бўлиши лозим.

2024 йилнинг январь–декабрь ойларида Ўзбекистон иқтисодиётида кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,3 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг шу даврига нисбатан ўзгаришсиз қолган бўлса-да, мамлакат иқтисодиётида кичик бизнеснинг барқарор мавқеини ифодалайди. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткични ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан таққослаш кичик тадбиркорликнинг роли ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини янада очиқроқ кўрсатиб беради.

Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик ва ўрта бизнеслар иқтисодиётнинг асосий таянчи сифатида шаклланган бўлиб, уларнинг ЯИМдаги улуши ўртача 55–60 фоизни ташкил этади. Масалан, Германияда бу кўрсаткич 55 фоиз атрофида, Италияда 65 фоизга яқин, Францияда эса 61 фоизга етган. Ушбу мамлакатларда кичик бизнес нафақат хизмат кўрсатиш ёки савдо соҳасида, балки инновация, илмий ишланмалар ва юқори технологияли тармоқларда ҳам етакчи ўрин тутаяди.

АҚШда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши нисбатан паст — тахминан 43–45 фоизни ташкил қилади. Бироқ уларнинг иқтисодиётдаги роли юқори, чунки АҚШдаги кичик бизнес иш ўринларининг 47–50 фоизини таъминлайди ҳамда стартаплар ва инновацион иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиқади. Япония тажрибаси ҳам диққатга сазовор: бу мамлакатда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 50–55 фоиз бўлиб, улар асосан хизмат кўрсатиш ва юқори технологияли соҳалар орқали иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшмоқда. Жанубий Кореяда эса кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 45–48 фоиз атрофида бўлса-да, умумий ишчи кучининг қарийб 80 фоизи айнан шу сегментда банд.

Ўзбекистон кўрсаткичи — 54,3 фоиз — кўпгина ривожланган мамлакатлар даражасига яқин эканлигини кўрсатади. Бироқ асосий фарқ шундаки, ривожланган

⁴ <https://www.toshstat.uz/uz/matbuot-markazi/news/7402-o-zbekiston-respublikasida-kichik-tadbirkorlik-subyektlarining-yaimdagi-ulushi>

мамлакатларда кичик бизнес инновация, рақамли технологиялар, экспортбоп маҳсулотлар ва юқори рақобатбардошлик орқали иқтисодиётда етакчи ўрин эгалласа, Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик ҳали асосан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган.

Шу боис, келгусида кичик тадбиркорлик улушини миқдор жиҳатдан оширишдан кўра уни сифат жиҳатидан яхшилаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Хусусан, инновацион ва технологик йўналишларда кичик бизнесни рағбатлантириш, стартап экотизимини ривожлантириш, экспортга йўналтирилган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг миллий иқтисодиётдаги таъсирини кучайтириш мумкин.⁵

Қайд этиш жоизки, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 65 фоиздан ортиқ қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади. Бу эса қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ортиқча ишчи кучларини хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ва бошқа шу каби соҳаларга самарали йўналтириш зарур. Сўнгги йилларда дунё миқёсида иқлим ўзгаришининг кучайиши, аҳоли сонининг ортиб бориши ва озиқ-овқат маҳсулотларига, хусусан, мева-сабзавот, полиз, дуккакли экинлар ҳамда картошка маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши кузатилмоқда. Шу билан бирга, республикада аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва зарур озиқ-овқат турларини кўпайтириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу сабабли, ушбу йўналишларда ихтисослашган оилавий корхоналарни ташкил этиш орқали қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, шу билан бирга уларнинг турмуш даражасини яхшилашга эришиш мумкин. Бу эса нафақат иқтисодий ривожланиш, балки ижтимоий барқарорлик учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни, айниқса унинг кичик бизнес шакллари ривожлантириш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва ижтимоий фаровонлиги учун муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш учун қатор ташкилий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш устувор вазифалар қаторига киради.

Хулоса ва таклифлар.

Аввало, рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ жойларда меҳнат қиладиган малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг билим ҳамда кўникмаларини мунтазам ошириб бориш зарур. Бу эса қишлоқ тадбиркорлигини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришнинг асосий гарови ҳисобланади.

Иккинчидан, республика ҳудудларининг барчасида ҳақиқий тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун қулай институционал шароитларни таъминлаш зарур. Бу жараён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Учинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, янги ташаббуслар учун қулай имкониятлар яратиш лозим. Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларини замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган оилавий корхоналарни қўшимча имтиёзлар асосида қўллаб-қувватлаш ва уларнинг йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш ва хизматлар

⁵ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1428-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususi-y-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

кооперациясини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу эса маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ҳамда маҳаллийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш имконини беради.

Бешинчидан, қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш мақсадида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, шунингдек, касаначилик ва кичик бизнес фаолиятини йирик корхоналар билан узвий боғлаш талаб этилади. Бу ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Охир-оқибатда, амалга ошириладиган ислохотлар натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ахборот-таълим ишларини кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадбиркорлик жараёнларида аҳоли иштироки ва хабардорлиги юқори бўлмаса, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш қийин кечади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш орқали мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг янада ривожланишига, иш ўринлари яратилишига, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси ошишига эришиш мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абулқосимов Ҳ.П., Кулматов А.А. (2015) Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. /Монография.-Т.: "Университети".

Ахмедов У.Ҳ. (2014) Қишлоқ жойларида уй хужаликларининг ривожланиш истиқболлари. (Монография). -Т.: «Fan va texnologiya», -152 б.;

Смит А. (1962) Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: "Соц.экгиз", - 332 с.

Беркинов Б.Б. (2014) Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма). -Т.: "Fan va texnologiya", - 132 бет.

Грубенкова Д.О. (2016) ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В ТЕОРИЯХ Р. КАНТИЛЬОНА, МАРКСА, ВЕБЛЕНА И ШУМПЕТЕРА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ // Международный студенческий научный вестник. № 2.

Ғуломов С. (2005) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Акад.С.Ғуломов умумий таҳрири остида. -Т.: Фан ва технология, -443 б

Қарор (2020) Ўзбекистон республикаси президентининг қарори 13.10.2020 й. п ПҚ-4862 "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида".

Лапуста М.Г. (2008) Малое предпринимательство. -М.: Инфра-М, -с. 68

Мирзиёев Ш.М. (2016) Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // <http://uza.uz/oz/politics/erkin-va-farovondemokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>

Пардаева О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.

Сирополс Н. (1997) Управление малым бизнесом. -М.: Дело, - с. 672.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. (1995) Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 193-194 б.

Ўлмасов А. (1998) Оила иқтисоди. Тошкент - "Меҳнат".

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

Чаянов В. (1991) О размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. № 7, с 47.

Шодиева Г.М. (2008) Проблемы организационно-экономических факторов и развития услуг по повышению благосостояния семьи - Диссертация на соискание ученой степени доктора.

Шодиева Г.М., Пардаева О.М. Проблемы развития семейного предпринимательства и повышения занятости и доходов населения и снижения бедности. Академия управления dwalior. 23: 210.

Шумпетер Й. (1982) Теория экономического развития. - М : "Мысль", - 159 е.;